

V. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 71068,1 млрд. сўм (доллар эквивалентида 8,9 млрд. АҚШ долл.) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 130,9 % ни ташкил қилди.

Жорий йил январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларидаги инвестицион фаолликнинг энг юқори даражаси кузатилди – 71,1 трлн.сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,9 фоизга ўсиш кузатилди. Мос равишда, асосий капиталга инвестициялар 2005 йилда – 2,0 трлн. сўм ёки 6,9 % ўсишни, 2010 йилда – 10,8 трлн. сўм ёки 8,1 % ўсишни, 2015 йилда – 28,5 трлн. сўм ёки 9,9 % ўсишни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Инвестицион ва инфратузилмавий лойиҳалари рўйхатини шакллантириш тўғрисида”ги 3507-сонли Қарорига асосан Давлат ривожланиш дастурига киритилган йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йил 9 оyi давомида асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эршилди:

Тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши;

Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш Бухоро вилояти;

Қашқадарьё вилояти Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиш;

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буг-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;

Тахиатой иссиқлик электр станциясида 230-280 МВт қувватли иккита буг-газ қурилмаси қурилиши;


Навой иссиқлик электр станциясида 450 МВт қувватли 2 буг-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;

Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексининг қурилиши.

ЯИМ га нисбатан асосий капиталга инвестициялар – 29,1 % ни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос давридаги кўрсаткичига нисбатан 6,7 % пунктга кўпайди.

Шунингдек, 2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯИМ да инвестицияларнинг энг катта улуши қайд этилди – 29,1 %. Мос равишда бу кўрсаткич 2010 йилда – 25,2 %, 2012 йилда – 23,1 %, 2014 йилда – 23,7 %, 2016 йилда – 24,6 %, 2017 йилда – 22,4 % ташкил этди.


Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суратлари



2018 йилнинг январь-сентябрида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни 62,0 % и Республиканинг бешта худудида, жумладан, Тошкент шаҳрида 20,1 %, Қашқадарё вилоятида – 15,2 %, Навоий вилоятида – 10,1 %, Бухоро вилоятида – 8,7 % ва Тошкент вилоятида – 7,8 % ўзлаштирилди.

Қатор худудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юкори ўсиш суръатлари, жумладан, Навоий вилоятида 2,5 марта (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 7183,4 млрд. сўм), Наманган вилоятида – 157,7 % (3874,8 млрд. сўм), Жиззах вилоятида – 156,5 % (2233,1 млрд. сўм), Қорақалпағистон Республикасида – 151,1 % (3661,6 млрд. сўм), Тошкент вилоятида – 148,7 % (5556,5 сўм), Сурхондарё вилоятида – 144,3 % (3908,9 млрд. сўм), Қашқадарё вилоятида – 140,5 % (10806,5 млрд. сўм) ва Тошкент шаҳрида – 134,5 % (14287,8 млрд. сўм) кузатилди.

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)




2018 йилнинг январь-сентябрида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида – 7452,4 минг сўм (ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 марта), Тошкент шаҳрида – 5758,0 минг сўм (132,3 %), Қашқадарё вилоятида – 3407,2 минг сўм (ёки 137,7 %), Бухоро вилоятида – 3274,5 минг сўм (ёки 57,6 %), Қорақалпоғистон Республикасида – 1977,4 минг сўм (149,0 %), Тошкент вилоятида – 1932,9 минг сўм (147,0 %) ва Жиззах вилоятида – 1672,9 минг сўм (153,5 %) қайд этилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида асосий капиталга инвестицияларнинг
молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	71068,1	130,9	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар	20656,3	184,1	29,1
бюджет маблағлари	2500,5	87,5	3,5
Давлат мақсадли жамғармалари	3001,0	128,8	4,2
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	122,7	103,0	0,2
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	4598,1	131,9	6,5
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	10434,0	4,3 м.	14,7
Марказлашмаган инвестициялар	50411,8	117,3	70,9
корхона маблағлари	22119,2	133,6	31,1
аҳоли маблағлари	8956,2	104,4	12,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	7336,6	67,1	10,3
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	11999,8	176,9	16,9


Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да

2017 йил январь-сентябрь



■ Марказлашган инвестициялар
■ Марказлашмаган инвестициялар

2018 йил январь-сентябрь



Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 184,1 % ёки 20656,3 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 29,1 % ёки ўтган йилнинг мос даври кўрсаткичига нисбатан 8,7 % пунктга) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 50411,8 млрд. сўм ёки 117,3 % (жами инвестициялардаги улуши 70,9 %).

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари



2017 йилнинг мос даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар улуши 10,3 % пунктга ўсди.

Жорий йил 9 ойи давомида Қуйидаги йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолати асосида чет эл инвестициялари ва кредитларининг юқори ўсиш суръатларига эришишига асосий сабаб бўлиб ҳисобланади:

Тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқаришига мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши;

Навоий иссиқлик электр станциясида 450 MVt қувватли 2 буг-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида қуввати 450 MVt дан бўлган икки буг-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 MVt бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;

Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексининг қурилиши;

“Ангрен” ЭИЗ да конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги ва автомобил шиналари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (II-босқич);

Поп-Наманган-Андижон ва Қариш-Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш;

Поп-Наманган-Андижон участкасини электрлаштириш билан бирга Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линияларини қурилиши;

“Шаргунқўмир” АЖ қўмир қазиб олиш лойиҳавий қувватини йилига 900 минг тоннага етказиш учун модернизация қилиш;

Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида канализация тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш;

Сирдарё вилояти Боёвут, Ховост, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманлари аҳоли яшаш пунктларида ва туман марказларида сув таъминоти тизимини такомиллаштириш;

Бухоро вилояти Олот, ҳамда Қорақўл туманларида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш;

Хоразм вилояти Тошсока ирригация тизими магистрал сугориш каналларини қайта тиклаш ва бошқалар.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 4598,1 млрд. сўмни (доллар эквивалентида 574,4 млн. доллар) ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 31,9 % га кўпайди.

Қуйидаги энг катта лойиҳалар тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ҳисобот даврида амалга оширилган:

Тахياتош иссиқлик электр станциясида 230-280 МВт қувватли иккита буг-газ қурилмаси қурилиши;

“Ауминсо-Амантой конлари” да олтин-маъданли конларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича конларни қуриш (ГМЗ-5) (I-II босқич);


“Кокпатас” ва “Даугизтау” конларида олтинни ажратиб олиш технологияларини такомиллаштириш.

Шеробод туманида цемент заводи қурилиши;

Тошкент вилояти (Олмалиқ шаҳри) да Ёшлик I конини ўзлаштириш

“Мурунтау” карьерига ишлов бериш (V босқич):

**Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган
молиялаштириш манбалари**



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 31,1 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (16,9 %) ҳисобига тўғри келди

Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси:

Дастур бўйича “Ўзшаҳарқурилиши инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арзон кўп қаватли турар жойлар қурилиши.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига қўйидаги йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди:


Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши;

Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш Бухоро вилояти;

Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиш;

Бухоро вилояти Хўжасаёт участкасидаги Денгизқўл газ-конденсати кони, Хўжадават газ-конденсати кони ва Шарқий Олот газ-конденсати конини қайта жиҳозлаш;

Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби



Жорий даврда иқтисодиётнинг нодавлат сектори инвестициялари ҳажми 2017 йилнинг мос даври кўрсаткичига нисбатан 24,5 % пунктга ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича жами инвестициялардаги нодавлат секторининг улуши – 81,9 % ни ташкил этди, жумладан, Қашқадарё вилоятида – 96,4 % га етди, Тошкент вилоятида – 89,9 %, Қарақалпоғистон Республикасида – 87,0 %, Бухоро вилоятида – 89,4 %, Наманган вилоятида – 85,0 % ва Фарғона вилоятида – 82,9 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича таркиби**

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (жами нисбатан, %)						
		Республика бюджети	Давлат мақсадли жамғармалари	Корхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараққийёт жамғармаси	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	71068,1	3,5	4,2	43,7	16,9	25,0	6,5	0,2
Қорақалпоғистон Республикаси	3661,6	2,7	8,0	38,2	11,1	25,9	13,8	0,3
<i>вилоятлар:</i>								
Андижон	3053,8	3,8	6,5	50,1	18,7	20,8	-	0,1
Бухоро	6158	2,9	3,1	28,9	9,5	55,4	-	0,2
Жиззах	2233,1	9,1	6,7	48,4	25,6	9,8	-	0,4
Қашқадарё	10806,9	1,1	2,2	44,7	6,3	39,9	5,6	0,2
Навоий	7183,4	0,6	1,3	38,3	5,7	39,5	14,6	-
Наманган	3874,8	3,0	4,6	34,9	14,7	42,7	-	0,1
Самарқанд	4015,2	2,5	8,9	58,0	26,8	3,7	-	0,1
Сурхондарё	3908,9	2,6	8,1	37,6	24,8	18,4	8,4	0,1
Сирдарё	1307,5	9,2	7,9	35,7	36,1	10,6	-	0,5
Тошкент	5556,5	2,7	4,4	43,1	25,4	10,1	14,3	-
Фарғона	2803,7	3,3	6,2	58,5	21,1	10,0	-	0,9
Хоразм	2052,7	5,2	8,7	55,3	14,7	10,6	5,1	0,4
Тошкент ш.	14287,8	5,5	2,0	48,6	23,7	11,8	8,4	-

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

Корхона ва ташилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуролантириш, ҳамда кенгайтиришга инвестициялар ҳажми 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 42,2 % га ошди.

Шунингдек, ушбу кўрсаткич мос равишда 2010 йилда – 5,1 %, 2012 йилда – 13,7 %, 2014 йилда – 1,9 %, 2015 йилда – 1,6 %, 2016 йилда – 3,3% ни ташкил қилган.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича
технологик таркиби
(2018 йил январь-сентябрь)**

	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	71068,1	12835,0	58233,1
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>			
Қурилиш – монтаж ишлари	50,5	61,5	48,1
Машина, ускуна, инвентар	38,2	31,6	39,6
Бошқа харажатлар	11,3	6,9	12,3

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 50,5 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 38,2 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши – 11,3 % ни ташкил этди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар (2018 йил январь-сентябрь)**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>	
		<i>Январь-сентябрь 2017 й.</i>	<i>Январь-сентябрь 2018 й.</i>
Асосий капиталга инвестициялар - жами	71068,1	100,0	100,0
<i>Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2494,6	3,5	3,5
Тоғ - кон саноати	9207,3	20,4	12,9
Ишлаб чиқариш саноати	15573,8	14,9	21,9

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		Январь-сентябрь 2017 й.	Январь-сентябрь 2018 й.
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	8081,6	5,6	11,4
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	1214,5	1,1	1,7
қурилиш	2759,3	4,3	3,9
улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	2921,3	4,8	4,1
Ташиш ва сақлаш	5114,4	8,6	7,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1034,8	1,6	1,5
Ахборот ва алоқа	678,1	2,7	0,9
Молия ва суғурта фаолияти	701,9	1,0	1,0
Профессионал, илмий ва техник фаолият	950,9	1,4	1,3
Таълим	1612,2	2,2	2,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1610,8	1,4	2,3
Саънат, кўнгили очиш ва дам олиш соҳаси	701,5	1,0	1,0
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	13012,6	21,3	18,3
Бошқа фаолият турлари	3398,5	4,2	4,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 9207,3 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 12,9 %), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 6820,6 млрд. сўм (9,6 %), ишлаб чиқариш саноатида 15573,8 млрд. сўм (21,9 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 1722,1 млрд. сўм (2,4 %), текстил маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш фаолияти турида 2882,2 млрд. сўм (4,0 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 3043,0 млрд. сўм (4,3 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 1677,2 млрд. сўм (2,4 %), металлургия саноатида 2989,1 млрд. сўм (4,2 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 8081,6 млрд. сўм, (11,4 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 1214,5 млрд. сўм, (1,7 %), қурилиш фаолияти турида 2759,3 млрд. сўм (3,9 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 5114,4 млрд. сўм (7,2 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 2921,3 млрд. сўм (4,1 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 678,1 млрд. сўм (0,9 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 506,9 млрд. сўм (1,2 %), таълим соҳасида 950,9 млрд. сўм (1,3 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 13012,6 млрд. сўм (18,3 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

2018 йилнинг январь-сентябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2018 йилнинг январь-сентябрида 17770,6 млрд. сўм (доллар эквивалентида 2,2 млрд. АҚШ долл.) ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 132,9 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 25,0 % ташкил этди.


Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Қашқадарё вилоятида (24,2 %), Бухоро вилоятида (19,2 %), Навоий вилоятида 16,0 % кузатилди.

Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, кредитларни қўшган ҳолда

	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм		Хорижий инвестициялар, нисбатан % да	
	жами	шу жумладан, кредитлар	жамига	асосий капиталга инвестициялар
Ўзбекистон Республикаси	17770,6	11153,5	100,0	25,0
Қорақалпоғистон Республикаси	947,2	562,3	5,3	25,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	635,0	243,7	3,6	20,8
Бухоро	3410,9	191,9	19,2	55,4
Жиззах	219,3	22,4	1,2	9,8
Қашқадарё	4308,9	3785,0	24,2	39,9
Навоий	2839,5	2817,6	16,0	39,5
Наманган	1654,3	1455,6	9,3	42,7
Самарқанд	149,6	55,3	0,8	3,7
Сурхондарё	719,8	617,0	4,1	18,4
Сирдарё	138,3	94,3	0,8	10,6
Тошкент	562,7	320,1	3,2	10,1
Фарғона	280,8	108,0	1,6	10,0
Хоразм	218,1	187,1	1,2	10,6
Тошкент ш.	1686,2	693,2	9,5	11,8

2018 йилнинг январь-сентябрида ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМ га нисбати 7,3 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 % пунктга кўпайди.

Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш (млн. АҚШ долл.)




Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 2220,1 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 916,6 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 41,3 % ташкил этди.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2018 йилнинг январь-сентябрида 7336,6 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 67,1 % ни ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида тўғридан-тўғри ва бошқа чет эл инвестициялари ва кредитларининг ЯИМ даги улуши 3,0 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 пунктга камайди. 2010 йилда тўғридан-тўғри ва бошқа чет эл инвестициялари ва кредитларининг ЯИМ га нисбати 6,8 %ни ташкил қилди ва 2018 йилнинг мос даври билан солиштирганда 3,8 %га, мос равишда 2012 йилда – 0,6 % пунктга, 2014 йилда – 0,9 % пунктга, ҳамда 2015 йилда – 0,9 % пунктга кам бўлган.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби



Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар энг кўп ўзлаштирилди: хом нефть ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турига жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 22,0 % ини ташкил этиб, 2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 39,8 % пунктга, мос равишда ташиш ва сақлаш фаолият тури 5,5 % ни ташкил этиб (2,4 % пунктга), информация ва алоқа фаолият тури 2,0 % ни ташкил этиб (6,5 % пунктга) камайди.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар: электр, газ, буғ билан таъминлаш, ҳавони кондициялаш фаолитида 34,2 % (33,0 % пунктга), сув билан таъминлаш, канализация фаолиятида 3,1 % (1,6 % пунктга) кўпайди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Жами асосий капиталга инвестицияларда турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 13012,6 млрд. сўмни ёки жами инвестициялар ҳажмида 18,3 % ни ташкил этди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

	<i>Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан:</i>			
	<i>Ишга туширилди</i>		<i>2017 йил мос даврига нисбатан % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>
Турар жойлар умумий майдони, <i>минг кв.м.</i>	8940,2	6150,0	101,7	97,6
<i>улардан:</i>				
якка тартибдаги турар жойлар	7973,0	6143,3	101,3	97,3
намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	944,2	869,0	104,9	98,9
Касалхоналар, <i>ётоқ</i>	1462	30	212,5	-
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), <i>қатнов</i>	13060	7075	26,1м	1,4 м.
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, <i>ўқувчи ўрни</i>	55034	24198	68,2	54,6
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни капитал тамирлаш, <i>бирлик</i>	84	x	560	x
Сув тармоғи, <i>км</i>	1979,3	1824,0	113,0	122,2
Газ тармоғи, <i>км</i>	128,4	102,8	75,0	102,4

2018 йилнинг январь-сентябрида умумий майдони 8940,2 минг кв.м (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 101,7 %) бўлган 58,6 минг хонадонга эга 62,1 минг турар жойлар, жумладан 6150,0 минг кв.м. (97,6 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

Коммунал соҳа объектлари қурилишида 1979,3 км сув тармоғи (1824,0 км қишлоқ жойларда) ва 128,4 км газ тармоғи (102,8 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, улар 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 113,0 % ва 122,2 % ни ташкил этди (қишлоқ жойларда мос равишда 75,0 % сув тармоғи ва 102,4 % газ тармоғи).

2018 йилнинг январь-сентябрида ишга туширилган турар жойлар

	Ишга туширилди, жами		Улардан: якка тартибдаги турар жойлар	
	минг кв.м	2017 йил мос даврига нисбатан % да	минг кв.м	2017 йил мос давrigа нисбатан % да
Ўзбекистон				
Республикаси	8940,2	101,7	7973,0	101,3
Қорақалпоғистон				
Республикаси	568,0	108,1	492,7	108,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	749,2	115,5	632,7	111,8
Бухоро	973,1	163,2	873,5	157,2
Жиззах	449,4	97,9	401,2	94,4
Қашқадарё	767,3	99,3	678,3	108,1
Навоий	505,9	98,4	474,8	117,0
Наманган	829,1	94,8	764,9	89,5
Самарқанд	742,9	90,0	617,8	86,2
Сурхондарё	827,7	93,2	752,7	92,3
Сирдарё	64,5	81,7	43,7	80,8
Тошкент	616,7	114,8	570	111,0
Фарғона	844,0	94,9	742,3	96,0
Хоразм	561,9	82,8	536,2	87,8
Тошкент ш.	431,3	86,5	392,2	78,7

Умумий майдони 7973,0 минг кв.м. ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,3 % якка тартибда қурилган турар жойлар ишга туширилди.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг бажарилиши натижасида 2018 йил январь-сентябрида умумий майдони 944,2 минг кв.м. бўлган 10,6 минг турар жой, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 % турар жойлар қурилиши яқунланди.

Касалхоналар, амбулатор-поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиши ва реконструкцияси учун 749,4 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу соғлиқни сақлаш фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 46,5 % ини ташкил этди.

Касб-хунар коллежлари қурилиши ва реконструкциясига 44,2 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган инвестицияларнинг 2,7 % ини ташкил этди.


Таълим жараёнини сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган чора тадбирлар натижасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиши ва реконструкцияси учун жами 447,6 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 27,8 % ини ташкил этди.

Сув тармоғи қурилишида 603,1 млрд. сўм, газ тармоғлари қурилишида 11,1 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Қурилиш ишлари

2018 йилнинг январь-сентябрида 33652,9 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 107,4 % қурилиш ишлари бажарилди.

Худудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш сурати



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги ҳудудларда кузатилди: Навоий вилоятида – 123,1 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 19,7 % пунктга кўпайди, Тошкент шаҳрида 111,0 % (2,9 %) ва Тошкент вилоятида 120,6 % (22,5 % пункт) кўпайди.


Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари

	Жами, млрд. сўм	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да	
		давлат	нодавлат
Ўзбекистон Республикаси 1)	33652,9	4,3	95,7
Қорақалпоғистон Республикаси	1325,7	5,4	94,6
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	1829,9	2,9	97,1
Бухоро	2411,0	4,6	95,4
Жиззах	1025,4	6,5	93,5
Қашқадарё	2394,8	2,5	97,5
Навоий	1382,3	29,3	70,7
Наманган	1320,0	6,1	93,9
Самарқанд	2142,1	1,3	98,7
Сурхондарё	1761,8	2,5	97,5
Сирдарё	473,5	6,9	93,1
Тошкент	1647,5	5,0	95,0
Фарғона	2015,8	2,2	97,8
Хоразм	1321,7	6,0	94,0
Тошкент ш.	6500,9	4,4	95,6

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

Иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги қурилиш ишлари ҳажми 2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 7,2 % пунктга ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича жами қурилиш ишлари нодавлат секторининг улуши 95,7 % ни ташкил этди, жумладан, Самарқанд вилоятида – 98,7 % га етди, Фарғона вилоятида – 97,8 %, Сурхандардарё вилоятида – 97,5 %, Қашқадарё вилоятида – 97,5 % ва Андижон вилоятида – 97,1% ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми
(млрд. сўм)



Жами қурилиш ишларидан 79,2 % янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қурулантириш ишларига тўғри келади, шунингдек, 20,8 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди.

Ҳисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 26275,6 млрд. сўмни ёки қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 78,1 % ни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 3659,4 млрд. сўмни ёки 10,9 % ни, ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 3717,9 млрд. сўм ёки 11,0 % ни ташкил қилди.